

УДК: 631.4.2/4 (584.4).10

**ПОМИДОРНИ ЎЗБЕКИСТОНДА РАЙОНЛАШТИРИЛГАН ЧИДАМЛИ  
НАВЛАРИ ВА ДУРАГАЙЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.****Болтаев Сайдулла Махсудович***Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш  
институтининг профессори., қ.х.ф.д.***Нормуратов Ойбек Улугбердиевич***Термиз давлат университети, экология ва тупроқшунослик  
кафедраси доцент в. б. қ.х.ф.ф.д (PhD)**Пахта селекцияси ва уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-  
тадқиқот институтининг I- босқич докторанти.***Ибрагимов Хикматилла Рахматилла угли***Магистр*

**Аннотация:** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етиштиришга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига 2012 йилда 90 та помидор нав ва дурагайлари киритилган. Шулардан 21 та ёки 23% мамлакатимизда, қолган қисми чет элларда яратилган навлардир.

**Калит сўзлар:** Помидор, селекцияси, эртапишар, нав, ўрточа, мева, чидамли.

**Аннотация:** В 2012 году в Государственном реестре сельскохозяйственных культур, рекомендованных к возделыванию на территории Республики Узбекистан, насчитывалось 90 сортов и гибридов томатов. Из них 21 или 23% составляют сорта, произведенные в нашей стране, а остальные за рубежом.

**Ключевые слова:** томат, селекция, раннее созревание, сорт, среда, плод, устойчивость.

**Annotation:** In 2012, there were 90 tomato varieties and hybrids in the State register of agricultural crops recommended for cultivation on the territory of the Republic of Uzbekistan. Of these, 21 or 23% are varieties made in our country and the rest abroad.

**Keywords:** Tomato, selection, early maturing, variety, medium, fruit, resistant.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етиштиришга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига 2012 йилда 90 та помидор нав ва дурагайлари киритилган. Шулардан 21 та ёки 23% мамлакатимизда, қолган қисми чет элларда яратилган навлардир. Умуман сабзавот экинлари уруғчилиги, хусусан помидор уруғчилиги, бутунлай издан чиқиб кетганлиги жуда кўплаб чет эл нав ва дурагайлари нинг мамлакатимизга кириб келишиги кенг йўл олиб борди. Сабзавот маҳсулотларининг асосий биоресурси бўлган помидорга аҳоли эҳтиёжлари ортиб бораётганлиги сабабли, унинг мевалари ҳосилдорлигини ва сифатини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистонда помидор селекцияси бўйича олиб борилган ишлар натижасида помидорнинг очик дала учун мамлакатимизда яратилган 20 та нави Давлат реестрида районлаштирилган бўлиб, уларнинг асосий муаллифлари Е.В.Ермолова ва М.Х.Арамовлардир. Помидор селекцияси йўналишлари ва услублари ушбу олимларнинг кўплаб илмий мақолаларида ҳамда В.Ф.Пивоваров ва М.Х.Арамовларнинг «Помидорнинг экологик селекцияси» (1996) монографиясида ёритилган. Помидор ҳосилдорлигининг минерал ўғитлар меъёрига боғлиқлиги бўйича тадқиқотлар натижалари Б.Д.Азимовнинг «Ўзбекистонда помидорнинг интенсив навларини етиштириш технологияси» (1990) монографиясида умумлаштирилган.

Қуйида районлаштирилган нав ва дурагайлар тавсифини келтираемиз.

### **ЭРТАПИШАР НАВЛАР:**

Шафақ – эртапишар нав бўлиб, амал даври 95-98 кун. Ўсимлиги оддий, детерминант типда, ўртача баргланган, бўйи 50-55 см. Мевалари юмалоқ, ним қизил, ўртача вазни 80-90 г, транспортбоплиги ўртача. Вақтинчалик плёнкалар остида ва очик далаларда етиштириб, эртачи ҳосил олиш мумкин. Мевалари янгилигича истеъмол қилишга, қайта ишлашга мўлжалланган. Ҳосилдорлиги 30-35 т/га.

Севара – эртапишар, амал даври 98 кун ўсимлиги штамбсимон, калта бўйли (40-45 см), яхши баргланган. Барги картошка баргига ўхшаш, катта. Меваси нимранг (гулоби), вазни 80-90 г, фақат янгилигича истеъмолга яроқли. Томорқаларда етиштириш учун тавсия этилади. Ҳосилдорлиги 30-35 т/га вақтинчалик плёнкалар остида етиштириб эртачи ҳосил олиш учун тавсия этилади.

Дўстлик - ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида яратилган. Эртапишар, кўчатлар ёппасига униб чиққандан меваларнинг пишиб бошлашигача 95-99 кун талаб этилади. Жуда эртачи ҳосил олиш учун плёнка остида ва очик далаларда экиш учун тавсия этилади. Ўсимлиги штамбсимон, детерминант, яхши баргланган. Меваси юмалоқ, қаттиқ, усти силлик, ранги тўқ қизил, ўртача вазни 80-90 г. Мева таркибида 4,8% қуруқ модда мавжуд. Ҳосилдорлиги 40-45 т/га. Мевалари янгилигича истеъмол қилишга ва қайта ишлашга мўлжалланган.

Ўртапишар навлар: Ўзбекистон 178 - кўчатлар униб чиққандан биринчи мевалар пишгунча 120-125 кун ўтади. Ўсимлиги детерминант, тупи ихчам, сербарг. Нав хар томонлама ишлатишга мос. Меваси сақлашга ва ташишга чидамли, юмалоқ, йирик, ўртача вазни 120-160 г. Таркибида 5,6 % қуруқ моддалар мавжуд. Мевалари текис этилади. Ҳосилдорлиги 65-70 т/га.

Прогрессивный 202 - эрта ўртапишар бўлиб, амал даври 105-110 кунни ташкил этади. Ўсимлиги оддий, детерминант бўлиб, яхши баргланган, бўйи 50-55 см. Меваси юмалоқ, усти бироз қовурғали, қизил, ўртача вазни 80-110 г, мевалари қайта ишлашга, янгилигича истеъмол қилишга транспортда узоқ масофага ташишга мўлжалланган. Ҳосилдорлиги 38-40 т/га.

Сурхон 142 – ўртапишар, ўрта бўйли (80-100 см), ўсимлиги штамбсимон, кучли баргланган мевалари катта, ўртача вазни 130-150 г, ранги қизил, шакли юмалоқ,

ясси юмалоқ. Табиат ноқулайликларига ва бўртма нематодасига чидамли. Хосилдорлиги 45-50 т/га. Мевалари янгилигича истеъмолга ва қайта ишлашга яроқли. Меваси таркибида 5,8 % қуруқ моддалар, 4,2% қанд, 24,1% аскорбин кислотаси мавжуд.

ТМК-22 – ўртапишар, кўчатлари ёппасига униб чиққандан дастлабки пишишигача 112-115 кун талаб этилади. Ўсимлиги оддий, детерминант бўлиб, яхши баргланган, баландлиги 65-70 см. Мевалари юмалоқ, қизил, усти силлиқ, ўртача ва 120-150 г. Республикамизда кенг тарқалган ва мевалари транспортбоп нав хисобланади хосилдорлиги 45-48 т/га.

Намуна - ўртапишар, ўсимлиги детерминант типда, яхши баргланган. Меваси юмалоқ, текис, пишган вақтда оч яшил, пишганда қизил бўлиб, ўртача вазни 100-120 г. Хосилдорлиги 53,0-55,0 т/га. Ушбу нав бўртма нематодаси билан кучли зарарланган ҳудудлар учун тавсия этилади. Мевалари янгилигича истеъмол қилиш учун ва қайта ишлашга мўлжалланган.

Баходир – ўртапишар, истеъмолбоп, дехқон фермер хўжаликларига тавсия этилади. Ўсимлиги штамбсимон, детерминант, бўйи 60-70 см, шохланиши ва баргланиши ўртача. Меваси ясси – юмалоқ, юзаси силлиқ, гўштдор, йирик (300-400 г), ранги малинасимон (гулоби). Жуда ширин, дегустацион бахоси 5 балл. Хосилдорлиги 50-55 т/га.

Волгоградский 5/95- ўртапишар, амал даври 110-115 кун. Ўсимлиги штамбсимон, сербарг, мевалари қизил, шакли юмалоқ, ясси-юмалоқ, транспортбоплиги ўртача. Табиат ноқулайликларига чидамли, кенг тарқалган навларда бири. Мевасининг вазни 120-130 г. хосилдорлиги 55-60 т/га.

Авиценна- ўртапишар, кўчатлар униб чиққандан дастлабки мевалар пишгунча 117 кун талаб этилади. Ўсимлиги детерминант типда, ихчам, баландлиги 65-70 см, иссиққа чидамли, мевалари хар томонлама ишлатишга мос. Меваси катта, ўртача вазни 125-150 г, юмалоқ тўқ қизил, пўсти қаттиқ, узоқ масофага ташишга мос. Хосилдорлиги 70-75 т/га.

Тошкент тонги – эрта ўртапишар нав бўлиб, амал даври 112-115 кун. Ўсимлиги паст бўйли (50 см), баргланиши ўртача. Мевалари юмалоқ, индекси (0,9-1,0), юзаси силлиқ, ранги қизил, вазни 115-125г. Эти ширин, сувли, дегустацион бахоси 4,2 балл. Таркибида 5,3% қуруқ моддалар, 3% қанд, 27 мг% витамин С мавжуд. Хосилдорлиги 40-45 т/га.

Хулоса қилиб айтганда: Сўнги йилларда мамлакатимизда яратилган, юқори таъм сифатига эга помидор навларига талаб ўсиб бормоқда. Бу эса помидор нав хилларини, ҳамда мамлакатимизда гетерозис дурагайлари селекцияси илмий базасини такомиллаштириш заруратини белгилайди. Бундай навларни яратиш учун мамлакатимизда мавжуд ҳамда хорижий помидор навларини баҳолаш бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш, улар орасидан селекция учун дастлабки материал сифатида касалликларга чидамли ҳамда юқори хосилдорларини танлаб олишни тақозо этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Зокиров Х.Х., Нормуратов О.У. Помидордан экологик тоза маҳсулот етиштиришда молдситим ва экоситим биопрепаратларнинг самарадорлиги. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. Хива -2018/1 47-51 бетлар
2. . Мамедов М.И., В.Ф. Пивоваров М.И., Пышная О.Н. Селекция томата, перца и баклажана на адаптивность, - М., 2002. -С. 5-18.
3. Арамов М.Х. Эколого генетические основы селекции томата на устойчивость к патогенам и адаптивную способность. Автореферат. дисс. докт. с.х. наук- Санкт-Петербург, 1994. 48 с.